

## ҚОЛДИҚ КУЧЛАНИШЛАРГА МАТЕРИАЛЛАРНИНГ ҚАРШИЛИГИ ХАҚИДАГИ МАСАЛА

Ж. Т. Озоджонов

*Тошкент давлат транспорт университети талабаси*

Ғ.Ф.Пирназаров

*Тошкент давлат транспорт университети катта-ўқитувчи*

Қолдиқ кучланишларга материалларнинг қаршилиги характеристикаси деганда,  $\sigma_1^0$ ,  $\sigma_2^0$ ,  $\sigma_3^0$ ,  $\sigma_D$ ,  $\sigma_T$  лар орасидаги муносабатни қабул қиласиз, бу ерда  $\sigma_1^0 > \sigma_2^0 > \sigma_3^0$  – кўрилаётган нуқтадаги асосий қолдиқ кучланишлар;  $\sigma_D$  ва  $\sigma_T$  – худди шу нуқтадаги чидамлилик ва оқувчанлик чегараси.

Қолдиқ кучланишларни икки категорияга бўламиз. Улардан биринчисига янги дарзларни ҳосил қилувчи ёки мавжуд дарзларни ривожлантирувчи қолдиқ кучланишларни, иккинчисига эса барча қолган қолдиқ кучланишларни киритамиз. Биринчисини хавфли, иккинчисини эса – хавфсиз қолдиқ кучланишлар деб номлаймиз.

Мақолаларда, хавфли қолдиқ кучланишли ҳолат қўйидаги кўринишга эга кучланишлар тензори билан характерланади:

$$T_{\sigma}^0 = \begin{vmatrix} \sigma_1^0 \geq \sigma_B & 0 \\ 0 & \sigma_2^0 \geq \sigma_3^0 & 0 \\ 0 & 0 & \sigma_3^0 \geq \sigma_B - \sigma_T \end{vmatrix} \quad (1)$$


$\sigma_D - \sigma_T = 0$  ни қабул қилиш мумкин бўлган ҳолатлар учун тензор (1) ҳаққонийлиги, шиша намуналарида ўтказилган тажрибалар билан тасдиқланган [4].

Қўйида иккинчи категория қолдиқ кучланишларни кўриб чиқамиз, улар учун тензор (1) қўйидаги кўринишда келади:

$$T_{\sigma}^E = \begin{vmatrix} \sigma_1^0 < \sigma_B & 0 & 0 \\ 0 & \sigma_2^0 \geq \sigma_3^0 & 0 \\ 0 & 0 & \sigma_3^0 < \sigma_B - \sigma_T \end{vmatrix} \quad (2)$$

Тензор (2) ҳаққонийлигини текшириш учун тажрибалар ўтказилди: намуна сифатида узунлиги 600, эни 120, қалинлиги 10 мм бўлган пластинка қабул қилинганди. Бундай ўлчамлар синов машинаси қуввати ва ушланмаси, қолдиқ кучланишларни яратиш ва аниклаш имкони билан тушунтириллади. Намуналар оддий механик ва кимёвий характеристикаларга эга Ст.3 (турли плавокларнинг нормали) маркали пўлат листидан тайёрланган. Намуналар синовига учта операция киритилган:

- 1)Кучланишларни яратиш;
- 2)Намуна ўқи бўйлаб нуқталар 1 ва 2 нинг ўзаро кўчишларини ўлчаш (1-Расм);



3) нүқталар 1 ва 2 орасидаги толаларда ўлчанган деформациялар бўйича кучланишлар катталигини хисоблаш.

Намуналардаги қолдиқ кучланишлар газли иситгич ёрдамида ўрта қисмни (1-Расмда пунктир билан ифодаланган) маҳаллий иситиш билан хосил қилинган. Иситиш натижасида 1 ва 2 нүқталар орасидаги толалар зонасида чўзилувчан қолдиқ кучланишлар пайдо бўлган, уларнинг катталиги ва йўналиши номаълумдир. Берилган катталиқдаги қолдиқ кучланишларни яратиш мумкин эмас: бу муаммо ечимини кутмоқда. Намуналарда ташқи кучлар ёрдамида кучланишларни лабораторияда синов машинасида хосил қилинган. 1 ва 2 нүқталарнинг ўзаро кўчиши маҳсус деформометр билан ўлчанган [1,2].

Маълумки, 1 ва 2 нүқталар орасида кучланиш вақтида (1-Расм) тола  $\sigma^0$  қолдиқ кучланиш ва си юклама билан синалган; кучланишлар бир вақтда ва бир-бирига боғлиқ бўлмаган ҳолда таъсир қилган. Юкламадан кучланиш катталигини ихтиёрий чегараларда ўзгартирилган, қолдиқ кучланишлар катталигини ўзгартириш осон эмас.

Натижада масала туғилди: бир вақтнинг ўзида, бир толанинг ўзида 1 ва 2 нүқталар орасида иккита упругий деформацияни ўлчаш, улардан бири қолдиқ кучланишларга мос, иккинчиси эса – юклама  $P_n$  дан ҳосил бўлган кучланиш. Оддий усувлар билан алоҳида ўлчовларни амалга ошириш мумкин эмас.

Намуна-пластинкани чўзишди, кучланишни юкламадан то бутун кесим бўйлаб металлнинг текучестлиги чегарасигача етказилиб. Бунда деформациялар намуна узунлиги ўртаси яқинидаги олтита тензометрлар  $T_1$  –  $T_6$  билан ўлчанган. 2-Расмдан кўринадики, тензометрлар  $T_1$ ,  $T_3$ ,  $T_4$  ва  $T_6$  қолдиқ кучланишлар сиқувчи бўлган худудларда намуна четида,  $T_2$  ва  $T_5$  тензометрлар эса – чўзилувчан қолдиқ кучланишли худудда жойлашган.  $T_2$  ва  $T_5$  тензометрлар жойлашган жой 1 ва 2 нүқталар орасида тола билан мос тушган. Бу синовлар натижалари 2-Расмдаги иккита эгри чизиқ кўринишида тасвирланган. Қуйи эгри чизиқ – қолдиқ кучланишларнинг чўзилувчан зонасидаги  $T_2$  ва  $T_5$  тензометрлар билан деформацияни ўлчаш натижалари, юқори эгри чизиқ – қолдиқ кучланишларнинг сиқилган зонаси чегараларида  $T_1$ ,  $T_3$ ,  $T_4$  ва  $T_6$  тензометрлар билан деформацияни ўлчаш натижаларидир. Эгри чизиқларнинг мос келмаслиги – қолдиқ кучланишлар таъсири ва уларнинг релаксацияси натижаларидир. Ўлчанган деформациялар – упругий ва пластик деформациялардан ташкил топган йиғинди деформациялардир. Йиғинди деформацияларни упругий ва пластик деформацияларга бўлиш мумкин эмас, упругий деформацияларни эса – қолдиқ кучланишлар таъсиридан упругий ва ташқи кучлар таъсиридан упругийларга бўлиш мумкин эмас. Тушунарлики, масалани бундай ечиш мумкин эмас. Шу билан бирга, масалани экспериментал ечиш мумкин. Биз уни қуйидагича ечдик:

Анвал 1 нүкта яқинида (3-Расм) ўқ марказида тешик ҳосил қилдик, у 1 ва 2 нүкталар орқали ўтади ва намуна ўқи йўналиши бўйича мос келади. Тешик диаметри 8 мм га teng. Шу билан бир вақтда, 1 ва 2 нүкталар кўчиши фарқи ( $\Delta_{12}$ ) ўлчанди. Сўнгра  $\Delta_{12}$  ва қўйидаги формула бўйича


$$\sigma^0 = \frac{E\Delta_{12}}{a M K_{12}}$$

1 ва 2 нүкталар орасидаги қолдиқ кучланишлар катталиги аниқланди.  $E=2 \cdot 10^6$  кГ/см<sup>2</sup> – упругийлик модули;  $a=4$  мм – тешик радиуси;  $M$  – ускуна масштаби = 8000;  $K_{12}$  – ўтиш коэффициенти, Кирш масалалари формуласи бўйича хисобланган [5].


Сўнгра, 1 ва 2 нүкталар орасидаги толадан ускунани олмасдан (мажбурий эмас, ускунани ечиб, қайтадан қўйиш мумкин), намуна синов машинасига қўйилиб чўзилди. Юклама секин-аста, босқичмабосқич, тахминан 2,5 т орасида берилди. Ҳар бир босқич уч мартадан ҳар бирида 0,5 т юклама юклаб қайтарилган.

Намунани юклаш ва юқдан бўшатиш жараёнида, 1 ва 2 нүкталарнинг ўзаро кўчишини ўлчовчи асбобда қандайдир ноодатий ҳолат кузатилган.


Юкламаларнинг биринчи босқичида, ускуна  $P_n$  юклама ортишига кўрсатмаларни пропорционал орттирган ва юклама олинганда, бошланғич кўрсатма – нолга қайтган. Кейин юкламанинг айrim босқичида, кўрсаткичларнинг ортиши юклама кўрсаткичлари ортишидан ортда қола бошлади, ва шу билан бир вақтда, ускуна шкаласида нолнинг кўрсаткичлар камайиши томонига кўчиши юз берди. Ниҳоят,  $P_n$  юклама ортганда, ускуна кўрсаткичлари ўзгаришсиз қолган ҳолат юз берди, лекин нол айrim барқарор катталикка пасайишни давом эттириди. Бундай ҳолат қоида бўйича,  $P_n$  юкламанинг ҳар бир босқичининг биринчи



4-Расм



2-расм



3-расм

юкламасида кузатилди. Агарда, Р<sub>н</sub> нинг бир даражасида юклаш ва юқдан бўшатишни кўп марта қайтарилса, у ҳолда кўрсаткичларнинг ноли ва максимуми доимий бўлиб қолган. Р<sub>н</sub> юкламанинг кейинги даражагача ортишида, кўрсаткичлар ноли ва максимумининг бундай "хулқи" қайтарилган. Демак, қолдиқ кучланишли ва цилиндрическимон тешекли намуна-пластиинкани чўзишда 1 ва 2 нуқталар орасидаги масофаларни ўзаро ўзгаришини ўлчовчи ускуна бир вақтнинг ўзида икки йўналишда – кўрсаткичларнинг ортиши ва камайиши томонларига ишлаган. Унинг бундай икки томонламали ишлаши 1 ва 2 нуқталар орасидаги метал толасида деформацияларнинг фақат икки томонламали кечиши билан тушунирилиши мумкин. Ускуна кўрсаткичларининг ортиши 1 ва 2 нуқталар орасидаги масофанинг ортишига мос ва намунани чўзувчи Р<sub>н</sub> юклама таъсири билан хосил бўлган. Нолнинг ускуна кўрсаткичлари камайиши томонига қўчиши эса, 1 ва 2 нуқталар орасидаги масофанинг қисқаришига мос ва 1 ва 2 нуқталар орасидаги метал толадаги қолдиқ кучланишлар катталигининг камайиши билан хосил бўлган. Шундай қилиб, тешик ёрдамида қолдиқ кучланишларнинг релаксация катталикларини ажратиш ва ўлчаш мумкин бўлди.

Синовларнинг якуний натижалари 3 ва 4-Расмларда  $\sigma$  ва  $\epsilon_n$  ўқлардаги икки турдаги диаграммалар кўринишида тасвиранланган. Диаграмманинг биринчи турини кўриб чиқамиз. Намуна-пластиинкага ташки юкламани кўйишидан аввал, 1 ва 2 нуқталар орасидаги толада қолдиқ кучланишлар 1470 кГ/см<sup>2</sup> га teng эди. 1900 кГ/см<sup>2</sup> га teng кучланишларнинг йиғинди қийматларида  $\sigma_c$  қолдиқ кучланишлар пасайиши бошланди ва ташки кучларнинг барча кейинги босқичларида ўзгаришсиз давом этди. Металнинг нисбий узайиши  $\epsilon_n$  тахминан  $14 \times 10^{-4}$  да, қолдиқ кучланишлар тўлиқ йўқолиб қолди. Бу вақт давомида йиғинди кучланишлар 3100 кГ/см<sup>2</sup> қийматгача кўтарилди, сўнгра эса 2670 кГ/см<sup>2</sup> гача кескин камайди, бу метал намунаси текучестлиги чегарасига мос келади. Йиғинди кучланишларнинг максимал қиймати текучестлик чегарасидан тахминан 16% га юқоридир, буни қолдиқ кучланишларнинг метал упруго-пластик хусусиятларига таъсири билан тушунириш мумкин ва бу шу турдаги диаграмманинг ўзига хослигидир.

Иккинчи турдаги диаграммани кўриб чиқамиз. Бу ерда қолдиқ ва йиғинди кучланишларнинг тақсимланиш тасвири бир мунча бошқача. Намунанинг юклашнинг бошида, 1 ва 2 нуқталар орасидаги метал толасидаги қолдиқ кучланишлар 720 кГ/см<sup>2</sup> га teng, сўнгра ташки кучлардан кучланишларнинг ортиши билан улар 410 кГ/см<sup>2</sup> га ошиб, 1130 кГ/см<sup>2</sup> га етди, бундан кейин тўлиқ йўқолгунча камая бошлади. Ташки кучлардан кучланишларнинг ортиши билан, қолдиқ кучланишларнинг бундай ортиши бдастлабки назарда кам эҳтимолий холдир. Бу ҳолат, фаразимизча, қолдиқ кучланишларнинг қайта тақсимланиши билан тушунирилади. Бу ҳолат фақат намуналарда эмас,

балки кўприк конструкциялари элементларида ўтказилган тажрибаларимизда кўп кузатилган.

Демак, пластик пўлатдан тайёрланган намуна-пластинкаларда қолдиқ кучланишлар релаксацияси экспериментал очиб берилди ва 3,4-Расмларда ифодаланди. Ҳақиқатдан, (2) тензор талабларига жавоб берувчи қолдиқ кучланишларнинг емирилиш босқичининг хосил бўлиши бошланишигача тўлиқ йўқолади, шунинг учун материалнинг чўзилишга ишлашида чидамлиликнинг камайтира олмайди.

### Хулосалар

1. Қолдиқ кучланишлар релаксацияси цилиндросимон тешик четларида хосил бўлувчи упругий деформациялар бўйича ўлчаниши мумкин.

2. Релаксацияни ҳисобга олмасдан, қолдиқ кучланишларнинг чидамлиликка таъсирини ҳисоблаш мумкин эмас.

3. Синалган намуналарда қолдиқ кучланишлар  $14 \times 10^{-4}$  га тенг ташқи кучларда нисбий чўзилишда тўлиқ йўқолди.

4. Қолдиқ кучланишлар ва ташқи кучлар кучланишларидан тузилган кучланишларнинг йиғинди қийматлари – метал текучестлиги чегарасидан сезиларли ортиши мумкин.

5. Қолдиқ кучланишлар релаксацияланиб, алоҳида ҳудудлар ва кесим нуқталарида ўз ўлчамларини кўпайтириши мумкин.

6. Қолдиқ кучланишлар қайтмас хусусиятига эга ва шу билан ташқи кучлар таъсирида пайдо бўлган кучланишлардан радикал фарқланади.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ:

1. Смирнов А. Ф., Александров А. В., Монахов Н.И. и др.
2. Сопротивление материалов. Трансжелдоризат, 1961.
3. Евграфов Г. К. и Осипов В. О. Содержание и реконструкция мостов."Транспорт ", 1964.
4. Мальцев П.В. Об. опасном остаточном напряженном состоянии в точке упругого тела. Сб. трудов МИИТ № 131, под ред. А. Ф. Смирнова. Трансжелдориздат, 1961.
5. Мальцев П.В. Анализ экспериментов по развитию трещин с заданными треакториями. Сб. трудов МИИТ № 155, под ред. А.Ф. Смирнова. Трансжелдориздат, 1962.
6. Мальцев П.В. Определение главных напряжений в пластинке методом сверления. Сб. трудов МИИТ № 77, под ред. Г.К Евграфова и Н.М. митропольского. Трансжелдориздат, 1960.
7. 6.Пирназаров, Г. Ф., & угли Озоджонов, Ж. Т. (2022). НО КОНСЕРВАТИВ КУЧЛАР БИЛАН ЮКЛАНГАНДА СТЕРЖЕНЛАРНИНГ

БАРҚАРОРЛИГИ ҲАҚИДА. AGROBIOTEXNOLOGIYA VA VETERINARIYA  
TIBBIYOTI ILMIY JURNALI, 2, 7-12.

8. Tursunnazar o'g'li, O. J., & Ilhom o'g'li, M. E. (2023, May). ODDIY FERMA STERJENLARIDA QO'ZG'ALMAS YUKLAR TA'SIRIDAN ZO'RIQISHLARNI TOPISH, ODDIY FERMA STERJENLARIDAGI ZO'RIQISHLARI UCHUN TA'SIR CHIZIQLAR QURISH VA ULARNI BERILGAN YUK BILAN YUKLASH. In International Conference on Research Identity, Value and Ethics (pp. 262-268).

